

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**

“Иқтисодиёт” кафедраси  
мудири, в.б., и.ф.н

Ш.А.Султонов

“Иқтисодиёт” кафедраси мажлиси  
баённомаси № 2019 йил “\_\_” \_\_

**“Иқтисодиёт”  
таълим йўналиши**

**Ик-515 талабаси Абдураҳмонов Соҳиб Сайилбой ўғли**

**Самарқанд вилоятида инновацион ғоялар татбиғи асосида киччик  
бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва  
ривожлантиришнинг худудий масалалари (Самарқанд вилояти  
Статистика бошқармаси маълумотлари бўйича) мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ  
ИШИ**

**Илмий раҳбар: И.ф.н., доцент Д. Ҳ. Асланова**

**САМАРҚАНД – 2019**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b>	<b>3</b>
<b>I-Боб.</b>	<b>Иқтисодиётни инновациянинг модернизациялашмоҳияти ва шароитида иқтисодиётни ривожантиришдаги аҳамияти.</b>	<b>6</b>
<b>1.1.</b>	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновациянинг моҳияти ва турлари	<b>6</b>
<b>1.2.</b>	Инновацион фаолиятининг объекти ва субъектлари.	<b>10</b>
<b>1.3.</b>	Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда инновацияларнинг роли ва аҳамияти.	<b>22</b>
<b>II-Боб.</b>	<b>Самарқанд вилоятида инновацион ҳаракати кўрсатгичлари таҳлили</b>	<b>27</b>
<b>2.1.</b>	Самарқанд вилоятининг ижтимоий - иқтисодий тавсифи.	<b>27</b>
<b>2.2.</b>	Самарқанд вилоятининг инновацион фаолияти таҳлили	<b>37</b>
<b>2.3</b>	Инновацияларни кўпайтиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда, вилоятдаги маҳсус худудларнинг ўрни	<b>42</b>
<b>III-Боб.</b>	<b>Самарқанд вилояти худудида инновацияларни кўпайтириш ва уларни такомиллаштириш истиқболлари</b>	<b>51</b>
<b>3.1.</b>	Инновациялар бозорини такомиллаштириш йўллари	<b>51</b>
<b>3.2.</b>	Самарқанд вилоятида инновацияларни кўпайтиришнинг истиқболли йўналишлари.	<b>58</b>
	<b>Хулоса ва таклифлар</b>	<b>61</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	<b>64</b>

## **КИРИШ.**

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикаси амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичига келиб, Давлатни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралаётган инновация қуйилмалари ва унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Шу жиҳатдан, олиб қараганда ҳозирги кунда 2018-йилни Президентимиз Шавкат Миромонович томонидан “Фаол тадбиркорлик инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб қабул қилингани бежиз эмас. Чунки тадбиркорлик мухитини яратиш ва шу орқали давлатнинг ривожланиши аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, мақсадидаги тадбирларга қаратилган тадбиркорлик фаолиятига киритилаётган инвестициялар орқали республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, инвестиция капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этадиган хўжалик фаолияти сифатини ресурслар айланмасининг юқори суратларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Чунки, инвестиция корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дархол ўз таъсирини кўрсатади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди.

Жаҳонда ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ўсиш суръатлари секинлашаётган бугунги кунда бир қатор мамлакатларнинг иқтисодиётда эришган ютуқларининг асоси бўлиб, бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг тақомиллашуви, иқтисодиётда кескин тузилмавий ўзгаришлар, инновациявий қуйилмаларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши кабилар билан баҳоланмоқда.

Бозор муносабаталарига ўтишнинг Ўзбекистон томонидан танлаб олинган йўли ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, бунда ҳал қилувчи ролни давлат ўйнайди.

Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инновация сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади. Иқтисодиётимизга киритилаётган инновацияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инновация муҳити алоҳида аҳамият касб этажтанини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Муаммонинг ўрганилгалик даражаси.** Инновациянинг иқтисодиётни ривожлантиришда тутган ўрни билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Хусусан, инновацияларнинг моҳияти, улардан самарали фойдаланиш масалалари Республикамиз олимларидан М.Ш.Шарифхўжаев, Чжен В.А., Гуломов С.С., Абдуллаев Е.А., Ўлмасов А.У., Расулов М.Р., Фозибеков Д., Додобоев Ю., Абдухадмидов А., Вахобов А., Ишбутаева Х., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ., Шавқиев Э.Ш., Уразов К.Б. ва бошқа қатор олимлар тадқиқот олиб борганлар. Ушбу олимларнинг тадқиқотларида инновациялар, улардан фойдаланиш масалаларининг назарий ва методологик томонлари кенг ўрин олган. Лекин, алоҳида минтақа ёки вилоят мисолидаги инновациялар бозорини такомиллаштириш нисбатан кам тадқиқ қилинган.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари.** Мамалакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хорижий инновацияларни миллий иқтисодиётимизга жалб этиш орқали кўпайтиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб битирув малакавий иши доирасида қуйидаги вазифаларнин ҳал этиш кўзда тутилган:**

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновациянинг мазмун-моҳиятини ёритиш;

- Инновация фаолиятининг объекти ва субъектларини аниқлаш;
- Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда инновацияларнинг роли ва аҳамиятини ёритиб бериш.
- Мамлакатни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда инновация муносабатлари ҳолатини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда ўзлаштирилган хорижий инновациялар ҳажмини таҳлил қилиш;
- Инновациялар бозорини такомиллаштириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;
- Ўзбекистонда инновацияларни кўпайтиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишнинг обьекти.** Ўзбекистонда инновацияларни кўпайтиришда унинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тадқиқот обьекти сифатида белгилаб олинди.

**Ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулосалар ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновациянинг моҳияти ва иқтисодиётни ривожантиришдаги аҳамияти.**

### **1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновациянинг моҳияти, турлари ва аҳамияти**

Иқтисодиётни модернизациялаш, устивор тармоқларни техник-технологик қайта қуроллантириш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишни инновацияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда инновация жараёнини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Чунки инновациялар иқтисодиётнинг ўсишини, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикамиз иқтисодиётига инновацияларни, хусусан, чет эл инновацияларини кенгроқ жалб этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашга муҳим ҳисса қўшади. Бу эса, миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган инновация лойиҳалари самарадорлигини баҳолашга бўлган эътиборни янада кучайтириши билан долзарб аҳамият касб этади

Инновация сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инновация сиёсатини юргизишни талаб қиласди. Бу, ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички ивестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инновацияларни талаб қиласди. Демак, инновациялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг

тараққиётини таъминловчи кучдир. Ҳар қандай мамлакат эса ўзимкониятларини ишга солиб, иқтисодиётига йуналтириладиган инновациялар хажмини ошириши орқали фаровонликка эришиши ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти кўрсатиб турибдики, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни инновацияларсиз тасаввур этиш қийин. “Инновация” атамаси лотин тилидаги “инвест” сўзидан келиб чиқсан бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш”, “капиталқўйилмаси” каби маъноларни англатади. Шундай экан кенг маънода “инновация”- бу маблағниқўпайтириш ва қуйилган маблағни қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишданиборатдир. Шунингдек, инновация ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларигакиритиладиган моддий (номоддий) неъматларни, уларнинг тадбиркорлик фаолияти объектларигақўйилган капитални даромад келтириши, яъни, ижобий иқтисодий самарага эришишини билдиради. Алоҳида таъкидлаш зарурки, иқтисодиётга инновация киритишдан асосий мақсад қўшимча даромадолиши хамда ижобий иқтисодий ва ижтимоий самарага эришишдан иборатдир<sup>1</sup>.

Инновациялардан самарали фойдаланиш, унинг моҳиятини тўғри ифода этишга бевосита боғлиқдир. Адабиётларда «инновация» тушунчаси турлича талқин этилган

Инновациялар корхоналар фаолиятига четдан жалб қилинган маблағ бўлиб, ҳам инновация олувчига, ҳам инновация киритувчига фойда келтиришга мўлжалланган маблағлар ҳисобланади. Ушбу маблағлар пул кўринишида, қимматли қоғозлар ёки бошқа турдаги товар - моддий бойликлар шаклида киритилиши мумкин. Инновацияларнинг турлари икки томонланма тузилган шартномага бевосита боғлиқ бўлади.

---

<sup>1</sup>Пардаев М.Қ., Жонузоков Б.Қ. Инновациянинг иқтисодиётдаги ўрни ва ахамиятини ошириш // Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. мавзусидаги халқаро ИАА материаллари. Самарқанд 2012, 394-бет

Инновациялар мазмун - моҳияти, мақсади, киритилиш тартиби, қўйилган вазифаларига қараб бир қанча турларга бўлинади. Инновацияларни турларга бўлишда маълум меъзонлар асос қилиб олинади. Мисол учун, мақсади бўйича инновациялар иқтисодий инновациялар ҳамда ижтимоий инновацияларга бўлинади. Инновацияларни жалб қилиш обьекти бўйича ишлаб чиқаришга мўлжалланган инновациялар ва ноишлаб чиқаришга жалб этилган инновацияларга бўлиш мумкин. Инновациялар кўриниши бўйича моддий, номоддий ва молиявий инновацияларга бўлинади. Номоддий инновациялар номоддий активлар (пакетлар, лицензиялар, товарларнинг намуналари, мулкдан фойдаланиш ҳукуқлари, «НОУ-ХАУ»нинг бошқа турлари) дан иборат бўлади. Молиявий инновациялар пул-валюта, қимматли қоғозлар шаклида бўлади. Шаклланиш манбасига кўра миллий инновациялар ва хорижий инновациялар мавжуд. Хорижий инновациялар чет эл компаниялари ва фирмалари томонидан киритилади. Киритилиш тартибига кўра тўғридан – тўғри киритиладиган инновациялар ва портфель инновацияларга бўлинади. Тўғридан–тўғри(бевосита) киритиладиган инновациялар хорижий компаниялар томонидан киритилади назорат қилиб борилади. Инновация киритувчи инновация олувчи корхона фаолиятини бошқаришда иштирок этади.

Портфель инновациялар маълум келишув асосида киритилиб корхонани бошқариш ҳукуқига эга бўлади. Инновациялар киритилиши муддатига қараб қисқа муддатли (бир йиллик) ва узок муддатли (бир йилдан ортиқ) турларга бўлинади.

Инновацияларнинг турларни умумий тартибда 1.1.1-чизма ифодалаш мумкин

Шундай қилиб мамлакатимиз корхоналарига киритилаётган инновациялар бир – қанча турларга бўлинади ва уларни корхоналарнинг ўзлари белгилайди.

## **1.2. Инновация фаолиятининг объекти ва субъектлари.**

Инновация фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштирок этади.

Инновация субъектлари – инновация фаолиятида иштирок этувчи мулкий ва интеллектуал бойликларга эга бўлган жисмоний, ҳукуқий шахслар ва давлатдир.

Инновация субъектлари орасидаги муносабатлар ишлаб чиқариш хусусиятига эгадир.

Капитал қўйилмалар шаклида инновация фаолиятини амалга ошириш субъектлари қуидагилардир: инвесторлар, буюртмачилар, пудратчилар, капитал қўйилма обьектларидан фойдаланувчилар ва бошқалар.

**Инвесторлар** ўз маблағи ёки жалб қилинган маблағ ёрдамида капитал қўйилмаларни амалга оширади. Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг бирлашмаси, давлат органлари ҳамда чет эллик юридик ва жисмоний шахслар инвестор бўлишлари мумкин.

Инвесторлар қуидагаларни амалга оширишда тенг ҳукуқга эгадирлар:

- капитал қўйилмалар шаклида инновация фаолиятини амалга оширишда;
- капитал қўйилмалар ҳажми ва йўналишларини мустақил белгилаш, ҳамда инновация фаолиятининг бошқа субъектлари билан шартномалар тузишда;
- капитал қўйилмалар ҳисобига яратилган, сотиб олинган обьектларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тассаруф этиш;
- шартнома ёки давлат шартномаси орқали капитал қўйилмаларни амалга ошириш ва унинг натижалариiga бўлган ҳукуқни юридик ва жисмоний шахсларга, давлат ва маҳаллий ҳокимиятга ўтказиш;
- имзоланган шартномалар асосида биргаликда капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун ўзининг ва жалб қилинган маблағларни бошқа инвесторларнинг маблағлари билан бирлаштириш;
- капитал қўйилмаларга йўналтирилган маблағларни мақсадга мувофиқ ишлатилишини назорат қилиш.

**Буюртмачилар** - инвесторлар томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун вакил этилган юридик ва жисмоний шахслар. Шу билан бирга, улар инновация фаолияти субъектларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашмайдилар. Буюртмачилар ролида инвесторларнинг ўзлари ҳам намоён бўлишлари мумкин. Инвесторлар бўлмаган буюртмачилар эса шартномада белгиланган тартибда ва даврда капитал қўйилмаларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тассаруф этиш ҳукуқига эга бўладилар.

**Пудратчилар** - юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, улар буюртмачилар тузган шартномалар асосида ишларни бажарадилар. Пудратчилар қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлари керак. Қурилиш фаолиятини лицензиялаш қурилиш маҳсулотлари истеъмолчиларини ҳукуқларини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади.

**Капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчи**лар - булар юридик ва жисмоний шахслар, ҳамда давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар бўлиб, ушбу объектлар улар учун яратилади.

Инвесторлар капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчилар ролида намоён бўлиши мумкин. Инновация фаолияти субъекти унинг икки ва ундан ортиқ функцияларини қўшиб олиб бориш имкониятини беради. Инновация фаолияти субъектлари давлат органлари томонидан қўйилган талабларни бажариши, ҳамда мақсадли равишда капитал қўйилмалардан фойдаланиши зарур.

Инновация фаолияти инвестор томонидан танланган соҳалар, ҳамда инновациялар сарфланиши лозим бўлган мақсадлар билан, яъни инновация объектлари билан боғлиқдир.

Инновацияларни йўналтириш соҳалари, ишлаб чиқаришда иштироки ва сарфланиш ишларига биноан инновация фаолиятининг қуидаги объектларини фарқлаш мумкин:

- халқ ҳўжалигининг барча тармоқларидағи янгидан яратилган ва модернизациялаштирилган (янгилangan) асосий фонdlар ва айланма маблағлари;
- фан-техника маҳсулотлари, изланишлар, таълимот, кадрларни тайёрлаш

ва қайта тайёрлаш;

- интеллектуал ғоявий бойликлар, муаллифлик, ихтиро, кашфиёт хуқуқлари, тажриба;
- қиммат баҳоли көгозлар, мақсадлы пул жамғармалари;
- бошқа мулкчилик объектлари;
- мулкий хуқуқлар.


Конун ва қонуниятларда таъқиқланган экологик ва бошқа меъёrlарга, санитария-гиена талабларига жавоб бермайдиган, яратилиши ва ишлатилиши мүмкин бўлмаган воситалар учун инвестицияларни йўналтириш ман этилади ва бу ишлар инновацияларни сарфлаш обьекти бўла олмайди. Фуқаролар, хуқуқий шахслар ва давлатни қонуний манфаатларига путур етказадиган ишлар учун ҳам инновациялар сарфлаш ман этилади.

Инновацияларни жалб этиш ва сарфлаш соҳаларига асосланиб инновация фаолияти обьектларини туркумини тузиш мүмкин.

Инновация фаолияти обьектлари туркуми инновацияларни сарфланиш соҳаларига биноан қуйидаги 1.1.2 ва 1.1.3 – чизмалардада кўрсатилган.

### **1.1.2-чизма. Инновация фаолияти обьектлари туркумланиши**





### 1.1.3-чизма. Инновация фаолияти объектлари туркумланиши

Инновация фаолиятида соҳалардан бирини ёки бир нечтасини танлаб олиш хуқуқига инвесторларнинг ўзлари эга бўладилар. Уларни ҳеч ким соҳа ёки инновация объектларни танлашга мажбур эта олмайди. У ёки бу соҳани танлашда ва инновацияларни маълум бир соҳага сарфлашдаги қарорларни инвесторларнинг ўзлари қабул қиласидилар. Инновация фаолияти субъектлари бўлиб бир инвестор, бир нечта тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланувчи иштирокчи инвесторлар бўлиши мумкин. Инновация фаолиятидаги субъектлар инвесторлар бўлиб, маҳаллий ва чет эллик фуқаролар, хуқуқий шахслар ёки давлат

хисобланади. Инновацияларни амалга оширишни эса, қабул қилинган буюртмаларни бажарувчиси сифатида, инвесторни топшириғи асосида инновация фаолиятини иштирокчилари таъминлайдилар.

Конунларда инвесторнинг қатор мажбуриятлари бор. Бу мажбуриятлар давлат идора ва муассасалари олдида бажарилиши лозим бўлиб, қуйидагилардан иборатдир:

- инвесторлар инновациялар ҳажми ва уларнинг манбалари тўғрисида молия органларига декларация топширишлари лозим;
- капитал қўйилишни амалга ошириш учун, тегишли раҳбар ва маҳсус хизмат органлари томонидан рухсат олиниши керак;
- инновация лойихасининг санитария-гигиена ва экологик талабларга жавоб бериши тўғрисида экспертиза хulosасига эга бўлиши шарт.

Юқорида қайд қилинганлардан ташқари, инновация субъектларининг мажбуриятларига қуйидагилар ҳам киради:

- вижданан рақобат қилиш ва якка ҳокимликка қарши мувофиқлаштириш талабларини бажариш;
- давлат, раҳбар ходим ва органлар томонидан юклатилган талабларни баҳолаш ва уларга бўйсуниш;
- белгиланган тартибда бухгалтерлик ва статистик маълумотлар, ҳамда ҳисботларни тегишли идораларга ўз вақтида етказиб бериш.

Булардан ташқари инновация фаолиятини ҳар бир иштирокчиси маҳсус ишларни бажариш учун лицензияга эга бўлиши лозим. Лицензия олиш учун бажариш лозим бўлган ишларни рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби мумкин қадар қонунчиликда белгиланади.

Самара ёки даромад келтирадиган мулкий ва интеллектуал бойликлар, яъни инновациялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбахо коғозлар;

- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);
- муалифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Инновация фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси ишбилиармонликни, тадбиркорликни моҳиятини чукур англаган холда иш юритиши лозим. Инновация фаолияти билан шуғулланувчи мулк эгаси тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти ва унинг кўпқиррали муносабатларини ҳар томонлама англай билиши лозим. Инновация фаолиятини юритишда иқтисодий ахборотга танланган соҳа бир бутун иқтисодиёт ва мамлакат миқёсида маркетинг билимларига эга булиши алоҳида ахамиятга эга. Чунки баркарорлашмаган иқтисодиётда инвестор пул муомаласи, молия кредит ва банклар, солиқ сиёсати моҳиятини чукур билмай туриб, инновация фаолиятини ташкил этиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, қисқа давр ичидағи инқизорзга учраши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган етук жамиятда инновация фаолияти қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

- фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоклик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган диний ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа давлатлар томонидан;
- қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Ўтиш иқтисодиётида инновация манбаларини мулкчилик шаклларидан қатъий назар қуидаги гурұхларга ажратиш мүмкін:

- инвесторларни ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари, фуқаролар, ҳуқуқий шахсларни жамғармалари ва бошқа манбалар);
- инвесторларни қарзға олган молиявий маблағлари (заём облигациялари, банк кредитлари ва бюджет ажратмалари);
- инвесторларни жалб қилған молиявий маблағлари (акциялар ва бошқа қиммат баҳоли қоғозларни сотищдан тушган маблағлар, фуқаро ва ҳуқуқий шахсларни пайлари ва турли хил бадаллар, ҳамда турли хил мақсаддаги нодавлат фондлар, маблағлари); давлат бюджетининг инновация ажратмалари.

Бозор иқтисодиётини модернизациялаш шароитда инновация фаолиятини молиялаштириш манбалари таркибини 1.1.4 – чизмада күриш мүмкін.

Инновация жараёни – пул таклиф қилувчилар (вақтингча бўш маблағларга эга бўлганлар) ни пул талаб қилаётганлар (уларга эҳтиёж сезаётганлар) билан учраштириш механизмиdir. Иккала томон одатда молиявий институтларда ёки молиявий бозорда учрашадилар. Айрим вақтда, хусусан мулкий қийматлар (масалан, кўчмас мулк) билан битим имзоланганда сотувчи ва харидорлар бевосита муомалага киришадилар. Молиявий институтлар – масалан, банклар ва ссуда омонат ассоциациялари – оддатда омонатларни қабул қиласидилар ва кейин пулни кредитга берадилар ёки бошқа пул билан маблағларни инновациялайдилар. Молиявий бозорлар – молиявий ресурсларни таклиф қилувчиларни ва уларга эҳтиёж сезаётлар оддатда фонд биржаларига ўхшаш воситачилар ёрдамида битим тузиш учун бирлаштириш механизмиdir. 1.1.4 – чизмада инновация жараёнини акс эттирувчи чизмада келтирилган. чизмадан кўринишича пул ресурсларини таклиф қилаётган шахслар унга эҳтиёж сезаётганларга молиявий институтлар, молиявий бозорлар орқали ёки тўғридан-тўғри бериши мүмкін. Молиявий институтлар молиявий бозорда талаб томонида ва таклиф томонида туриб иштирок этиши мүмкін. Молиявий бозорни қисқа муддатли сектори пул бозори

деб аталади, узоқ муддатлиси эса капитал бозори деб аталиб, унда фонд биржаси ўрни салмоқлидир.



## **1.1.4 – чизма инновация фаолиятини молиялаштириш манбалари таркиби**

**Инновация жараёни иштирокчилари.** Инновация жараёнининг бош иштирокчилари – давлат, компаниялар ва хусусий шахслар бўлиб, уларни ҳар бири инновация жараёнида талаб томонида, ёки ҳамда таклиф томонида туриб иштирок этиши мумкин (1.1.5-чизма).

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, инновация муассасалари юридик шахслар бўлиб, қуидаги вазифаларни амалга оширади:

- воситачилик фаолияти; қимматли қоғозларни чиқаришни йўлга қўйиш, уларни учинчи шахслар фойдасига жойлаштириш юзасидан кафолатлар бериш;
- инвесторларнинг пул маблагларини жалб қилиш мақсадида акциялар чиқариш ҳамда пулларни турли эмитентларнинг қимматли қоғозларига қўйиш;
- қимматли қоғозларни чиқариш ва муомиласи бўйича маслаҳат тариқасидаги хизматлар кўрсатиш. Молия брокерлари, инновация компаниялари, инновация бўйича маслаҳатчилар, инновация фондлари шулар жумласидандир.



## **1.1.5-чизма Инновация жараёни иштирокчилари**

Инновация муассасаси қимматли қоғозлар бозоридаги ўз фаолиятини шундай фаолият юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан маҳсус рухсатнома "лицензия" олганидан кейингина бошлиши мумкин. Рухсатномалар фаолиятнинг алоҳида тури учун ҳам, айни пайтда бир йўла икки ёки уч турда фаолият юритиш учун ҳам берилади:

- воситачи "молия брокери";
- инновация буйича маслаҳатчи;
- инновация компанияси.

Инновация компанияси ва молия брокери сифатидаги фаолиятни бирлаштириб олиб боришга инновация компанияси молия брокери сифатидаги ўз фаолитяни фақат фонд биржаси орқали юритган тақдирдагина йўл қўйилади. Банклардан ташқари, ҳеч-бир жисмоний ёки юридик шахс молия вазирлигининг рухсатномаси бўлмаса, жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ёки учинчи шахс номидан қимматли қоғозлар бозорида фаолиятнинг амалга ошириши мумкин эмас.

Инновация муассасаси, агар унинг штатида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган қимматли қоғозлар билан операциялар қилиш хуқуқи учун малака гувоҳномасига эга мутахасисси бўлмаса, қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритишга ҳаққи йўқ. Инновация муассасаси номидан битимлар тузиш хуқуқига тегишли малака гувоҳномаси бор мутахасиссигина эгадир.

Молия брокери юридик шахс бўлиб, мижоз ҳисобидан ва унинг топшириги билан комиссия шартномаси ёки топшириги асосида қимматли қоғозлар олди-сотдиси пайтида воситачилик (жисмоний шахс ҳисобланган брокерлар билан алмаштириб юбориласлик керак) вазифасини бажаради. Бунда у ўз ҳисобига эмас, балки мижоз ҳисоб ва манфаатлари йўлида ҳаракат қилиб, комиссия шартномаси бўлган тақдирда ўз номидан битим тузади, агар топшириқ шартномаси бўлса, мижоз номидан амалга оширади. Бизда одатда уларни брокерлик фирмалари деб юритишади.

Дилерлар одатда қимматли қоғозларни ўз мулклари қилиб сотиб олади ва кейин яна сотади. Хўжалик бирликлари томонидан қимматли қоғозларга бўлаётган талаб ва таклифларга чаққон жавоб бериш мақсадида дилерлар одатда етарли даражада қимматли қоғозлар ҳажмини ўзларида сақлаб турди ва ўз номидан сотади. Дилерларнинг даромади қимматли қоғозларнинг сотиш нархи билан харид нархи ўртасидаги фарқдан ҳосил бўлади.

Инновация муҳити – у ёки бу мамлакатда фаолият юритиш имконини белгилайдиган, киритилган капиталнинг даромадлилиги ва фойдалигига салмоқли таъсир кўрсатадиган иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шароитлар йиғиндисидир.

Мамлакатнинг инновация муҳитини шакллантирадиган омиллар комплекси қуйидаги чизмада келтирилган.

**Мамлакатнинг инновация муҳити ва уни келтириб чиқарадиган  
омиллар.(1.1.6-чизма)**





Инновация муҳити, биринчи навбатда мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик билан белгиланади. Мамлакатдаги иқтисодий аҳволни таърифлайдиган асосий кўрсатгичлар (ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши суратлари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражасива ҳк.) айни пайтдаётарлича барқарор динамикага эга ва қулай инновация муҳитини шакллантиришда салмоқли кафолат ҳисобланади.<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Академик С.С. Ғуломов «Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт» Т. «KONSAUDITINFORM-NASHR», 2016.

### **1.3.Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда инновация жараёнларининг роли ва ахамияти**

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётiga хорижий инновацияларни кенг жалб этиш учун қулай инновация муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инновацияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёsat юритиш;
- республика иқтисодиётiga бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб берадиган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёsatини юргизиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Шунингдек республика иқтисодиётiga хорижий инновацияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- инновация лойиҳаларини малакали эксперталар назоратидан ўтказиш ва мукаммал тайёрланишига эришиш;
- қўшма корхоналар ва хорижий инновация иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тусиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда хорижий инновацияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

«Чет эл инновациялари, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар иштирокидаги корхоналарни, шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва бу корхоналарнинг фаолият тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан мулкда ўзбек ва хорижий юридик шахслари ҳамда фуқаролари иштирок этувчи корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қўшма корхоналар ҳисобланади.

Ўзбекистонда хорижий инновациялар қатнашган корхоналар ичida қўшма корхоналар етакчи ўринда туради. Тулиқ хорижий инновациялар билан ташкил этилган корхоналар кам. Кўпчилик давлатларда хорижий инновациялар катнашган корхоналарни руйхатдан ўтказиш ҳар хил. Баъзи давлатларда бу вазифани Молия вазирлиги бажарса, бошқаларида Адлия вазирлиги бажаради. Ўзбекистонда бу вазифани Адлия вазирлиги амалга оширади. Ўзбекистондаги хорижий инновация қатнашган корхоналар республика ҳудудида ўзининг филиаллари ёки вакил корхоналарини ташкил этишлари мумкин. Бундан ташқари улар бошқа давлатларда ҳам ўз филиалларини очишлари мумкин.

Хорижий инвесторлар инновация ҳажмини, турларини, йўлларини белгилайдилар ва уларни хохлаган корхонага мустақил равишда киритишлари мумкин. Инвестор ўзи киритган инновация объектлари ва натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасаррuf этиш ҳукуқига эга. Шу билан бирга реинновация ва савдо операцияларини Ўзбекистон ҳудудида миллий қонунчилик асосида, ундан ташқарида эса халқаро қонунлар асосида амалга ошириш ҳукуқларига эга. Инвестор эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаррuf этиш ҳукуқларини қонун

бўйича бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсга бериши мумкин. Томонларнинг ўзаро ҳуқуқларини бир-бирига ўтказиш вақтидаги алоқаларни фақат улар ўртасида тузилган ҳужжат-шартномалар ҳал қила олади. Хорижий инвесторлар ва корхоналар қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда ер участкаларини сотиб олишлари мумкин. Хорижий инвесторлар инновация фаолиятини амалга оширишда қуидагиларга риоя этиш зарур:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка амал қилиши;
- Ўзбекистонда мавжуд қонунчилик талаблари асосида солиқ тўлаш ва бошқа тўловларни амалга ошириши;
- Инновация лойиҳасининг санитария-гигиеник экология талабларига амал қилиш бўлимидаги экспертиза хulosаларини олиши.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш, кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инновация фаолияти учун қулай муҳит шакллантириш зарур. Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эришишни истаган ҳар бир киши учун жозибали бўлсин».

Мамлакат инновация муҳитини ижобий баҳолашда авваламбор, сиёсий барқарорликка аҳамият берилади. Мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик, инвесторнинг дарҳол фойда олиш эмас, балки ўз фаолиятини синчиковлик билан режалаштириш ва узоқ муддатга мўлжалланган инновация лойиҳаларини тузишига замин яратади. Айнан шу омилга асосан, марказий осиё мамлакатлари ичida унинг энг барқарор бўлиб қолиши Ўзбекитон инновацияси муҳитининг асосий жиҳатларидан биридир.

Инновация муҳити учун муҳим жиҳатлардан яна бири, мамлакатимиз ҳукумати томонидан таъминлаб қўйилган мақроиқтисодий барқарорликдир.

Иқтисодиётнинг реал секторига хусусий инновацияларни янада жалб қилиш ҳозирги пайтдаги долзрб масала бўлиб қолмаоқда. Шундай бўлса-да, мазкур соҳа янада такомиллаштиришни талаб этади.

Мамлакатга тўғри инновацияларни жалб қилишда икки жиҳатни бир-биридан ажратиш лозим: иқтисодий самарадорлик ва ташқи қарз. Аксарият ривожланган мамлакатлар қўп ҳолларда ташқи қарзга мурожат қилишади.

Давлат инновация дастурини молиялаштириш учун ташқи қарзлар хиссасини камайтира бориши керак. Албатта, мазкур қарз маблағлари иқтисодий тизимни қайта қуриш, дастурини молиялаштириш, ижтимоий сектор, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва қўллаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойиҳаларни молиялашга хизмат қилса-да, уларнинг мақсадсиз ва самарасиз интилиши мамлакат ташқи қарзининг ошиши ва иқтисодиётда инфляция жараёнларининг жадаллашувига сабаб бўлиши мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, уларнинг иқтисодий қарамлигини оширади, бундан ташқари миллий валютанинг давалвацияланиши тасирида ташқи қарзянада қимматлашишига сабаб бўлади. Миллий иқтисодиётга қарз маблағларини жалб қилишдан кўра, хусусийлаштирилаётган корхона, ташкилот ва хусусий корхоналарга хорижий инвесторнинг мустақил равишда жалб қилиши учун имконият яратиб бериши зарур.

Давлат кафолати остида жалб қилинаётган сармояни эса илм-фан соҳаси, янги технологияларни жалб қилиш ва уларни яратишга қаратиш даркор. Чунки, хусусий инвесторнинг бу каби узоқ муддатли қўйилмаларига бўлган қизиқиши паст бўлади.

Маълумки мамлакатимизда хорижий инвесторлар кўплаб солик имтиёзларидан фойдаланадилар. Бу имтиёзларнинг айнан белгиланган мақомга эга корхоналар учун тақдим этилиши бошқа субъектлар томонидан шу мақомга турли йўллар билан эришиш иштиёқининг ошишига сабаб бўлади. Натижада, қўшма корхоналарни ташкил этиш ҳуқуқий жиҳатдан мос келса-да, унинг ҳуқуқий моҳияти ўз ифодасини йўқотади. Хорижий инвестор униши қатнашган корхоналарни ташкил этишда ўрнатилган меъёрни қўллаш бундай ҳаракатларни чеклаши табиий.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши чет эл инновацияларининг кенг жалб этилиши ва улардан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Турли мулк шаклларидағи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозори талабларига мос келиши керак. Бу ўз навбатида хорижий сармояларни кўпроқ жалб этиш ва улардан мақсадли фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир.

## **П-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи**

Бутун дунё аҳли Ўзбекистон ҳакида гап кетганда, саноати жадал суръатларда ривожланиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти тобора юксалиб бораётган замонавий давлат, дея эътироф этмоқда. Сабаби, мустакиллик йилларида юртимиз саноат тармоқларининг барча йуналишлари юқори технологияларга асосланган ҳолда муттасил ривожланишига катта эътибор қаратилмокда.

Самарқанд мамлакатдаги йирик индустрисал базага эга бўлган вилоятлардан бири ҳисобланади.

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган. У республиканинг марказида жойлашган бўлиб Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тожикистон давлати билан чегарадош ҳисобланади. Вилоятнинг маъмурий маркази — Самарқанд шаҳри ҳисобланади. Вилоятнинг бошқарув, иқтисодий ва маданий маркази бўлган Самарқанд шаҳри эрамиздан аввалги VIII асрда ташкил топган.

Вилоятнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Каттакўрғон, Ургут, Оқтош, Булунғур, Жума, Жомбой, Челак, Иштихон.

Самарқанд вилояти иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятларига нисбатан юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Унда қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари ва туризм соҳалари ривож топган. Самарқанд вилояти табиий бойликларга бой. Вилоят худудида, хусусан, вольфрам, мис, оҳак, мармар, гипс, керамзит, алюминий, гранит ва бошқа конлар мавжуд.

Жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган Самарқанд автомобиль заводи, “JV Man Auto Uzbekistan” қўшма корхонасида ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. “Бритиш-Американ тобакко”, “Сам Антеп Гилам”, “UrgGazKarpet”, “Амин Инвест”, “Дака Текс”, “Агромир

Самарқанд” қўшма корхоналари, "Сино", "Самарқандкимё" акциядорлик жамиятлари, “Шарқ саноати” хусусий концерни сингари йирик ишлаб чиқариш қувватлари вилоятнинг иқтисодий ривожига муҳим ҳисса кўшмоқда.

Самарқанд вилоятида ишлаб чиқаришнинг барча жавҳаларида ижтимоий-иктисодий ислоҳатларни амалга ошириш бўйича самарали чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида ЯҲМнинг ўсиши кузатилмоқда (1-жадвал).

### **1-жадвал**

#### **Самарқанд вилоятида асосий иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2017 йил</b>	<b>2016 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз ҳисобида</b>
<b>Ялпи худудий маҳсулот</b>	<b>18319,5</b>	<b>102,5</b>
Саноат маҳсулоти	9167,7	104,5
Истеъмол товарлари	5579,6	97,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9088,2	101,4
Асосий капиталга киритилган инвеститсиялар	3307,1	89,9
Қурилиш ишлари	2351,1	95,6
Юқ айланмаси (млн. тн-км)	1003,6	103,2
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	13721,7	102,7
Чакана товар айланмаси	9017,2	101,2
Хизматлар, жами	8237,6	104,9
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	1096,6	112,3
Экспорт	257,8	99,5
Импорт	838,8	116,9
Салдо (+;-)	-580,9	126,7

**Манба:** Самарқанд вилоятининг статистик ахборотномаси. 2017 йил. 6-бет маълумотлари асосида ҳисобланди.

Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибидики Самарқанд вилоятида 2017 йилда ялпи худудий маҳсулот 18319,5 млрд сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 102,5 фоизни ва аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқарилиши 4 970,4 минг сўмни ташкил этди.

Шундан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9197,7 млрд. сўмни ёки 104,5 фоизни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 5579,6 млрд. сўмни ёки 97,7 фоизни, чакана товар айланмаси 9017,2 млрд. сўмни ёки 101,2 фоизни, капитал қўйилмалар 3307,1 млрд. сўмни ёки 89,9 фоизни, қурилиш-пудрат ишлари 2351,1 млрд. сўмни ёки 95,6 фоизни, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 9088,2 млрд. сўмни ёки 101,4 фоизни, жами хизматлар ҳажми 8237,6 млрд сўмни ёки ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил қилди. Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 2017 йилдаги тармоқлар таркиби 1-диаграммада келтирилган.




### **1-диаграмма. Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот тармоқлар таркиби, (фоизда)**

Юқорида келтирилган 1-диаграмма маълумотларидан маълумки, 2017 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 97,9 фоизни, маҳсулотларга соф соликлар 2,1 фоизни,

шундан хизматлар улуши 43,3 фоизни, саноат 24,5 фоизни ва қишлоқ ва ўрмон хўжалиги эса 32,2 фоизни ташкил қилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-куватланиши натижасида унинг Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда (2-диаграмма).




**2-диаграмма. Самарқанд вилоятида ЯХМ ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти умумий ҳажмида КБТулуши (фоизда)**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3719,6 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 67932 кишига ёки 1,8 фоизга кўпайди (2-жадвал).

## **2-жадвал**

### **Самарқанд вилоятида доимий аҳоли сони (2018 йил 1 январь ҳолатига, минг.киси)**

	<i>Жами аҳоли сони</i>	<i>шу жумладан:</i>		<i>Жами аҳоли сонидан:</i>	
		<i>эркаклар</i>	<i>аёллар</i>	<i>شاҳар аҳолиси</i>	<i>қишилоқ аҳолиси</i>
<b>Вилоят</b>	<b>3719,6</b>	<b>1867,2</b>	<b>1852,4</b>	<b>1391,4</b>	<b>2328,2</b>
<i>шаҳарлар</i>					
Самарқанд	529,9	256,1	273,8	529,9	-
Каттақўрғон	87,1	43,3	43,7	87,1	-
<i>туманлар:</i>					
Оқдарё	152,7	76,7	76,1	60,6	92,1
Булунғур	178,9	91,1	87,8	40,2	138,7
Жомбой	163,1	82,3	80,7	37,0	126,1
Иштихон	241,9	121,6	120,3	66,9	175,0
Каттақўрғон	261,6	132,4	129,1	50,2	211,4
Қўшработ	125,4	64,0	61,3	12,1	113,3
Пайариқ	238,7	123,0	115,8	70,4	168,3
Пастдарғом	338,8	169,5	169,3	89,8	249
Пахтачи	138,4	68,4	70,0	27,2	111,2
Самарқанд	241,1	121,8	119,3	14,5	226,6
Нарпай	204,9	104,2	100,7	62,3	142,6
Нуробод	143,8	72,1	71,7	16,8	127
Тайлоқ	191,7	96,7	95,0	23,5	168,2
Ургут	481,6	243,9	237,7	202,9	287,7



**З-диаграмма. Самарқанд вилоятида 2018 йил 1-январь ҳолатига доимий аҳоли сони, (минг киши)**

2017 йилда Самарқанд вилоятини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Дастурларга асосан 3 та (*саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўйжалиги*) йуналишда қиймати 1646,6 млрд. сўмлик жами 2252 та лойиҳаларни амалга ошириш ва 20214 иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Амалда қиймати 2023 млрд. сўмга teng бўлган 2252 та лойиҳа амалга оширилиб, 20214 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, соҳалар кесимида:

Саноат йўналишида, йиллик қиймати 1128,2 млрд. сўмлик 377 та лойиҳа амалга оширилди, 8242 та иш ўрни яратилди.

Жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Булунғур туманида “Сам Гарден пласт” МЧЖда қиймати 10 млн. долларлик

инновация жалб этилиб, йилига 10 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва шок усулида музлатиш лойиҳаси, “Тоҳир” МЧЖда қиймати 2,2 млн. долларлик йилига 4 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуритиш лойиҳаси ишга туширилди.

Гўштни қайта ишлаш бўйича Самарқанд шаҳрида “Сифат Азизбек барака” МЧЖ томонидан 350 млн. сўмлик инновация эвазига йилига 200 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилган.

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Каттақўрғон шаҳрида “Каттақўрғонсугт агрофирмаси” оилавий корхонасида қиймати 400 млн. сўмлик йилига 1 минг тонна сутни қайта ишлаш лойиҳаси ишга туширилиб, 20 та янги иш ўринлари яратилди.

Енгил саноат соҳасида Оқдарё туманида “Шарқ саноат” концернига қарашли “Муштарий Оқдарё” МЧЖда йилига 5 млн. дона тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 500 та иш ўрни яратилган.

Жомбой туманида “Шарқ саноат” концернига қарашли “Гала Осиё нон” МЧЖ томонидан қиймати 45 млрд. сўмлик йилига 10 млн. дона жинси маҳсулотлари ва 4,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 800 та янги иш ўринлари яратилди.

Фармацевтика саноати бўйича Самарқанд шаҳрида “Самарқанд Энгланд Эко медикал” МЧЖ томонидан қиймати 21,2 млрд. сўмлик йилига 8 млн. дона дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 65 та янги иш ўрини яратилди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича Самарқанд шаҳрида “Прайм керамика” корхонасида 22 млн. доллардик йилига 12 млн. кв.м керамик плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Каттақўрғон шаҳрида “Металл солуший техноложис” корхонасида қиймати 6,4 млрд. сўмлик (шундан, 1,4 млн.доллар хорижий инновация)

турли ўлчамли шарикли вентиллар, латун фитинглар ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 250 та янги иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, саноат йўналишида яна қиймати 483,3 млрд. сўмлик 95 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 5759 та иш ўрни яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида йиллик режа қиймати 348,9 млрд. сўмлик 1281 та лойиҳани амалга ошириб, 8239 та иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида ижро қиймати 545,6 млрд. сўмлик 594 та лойиҳа амалга оширилди ва 3833 та янги иш ўрни яратилди.

76,6 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш белгиланган дастурни ижро этиш натижасида 77,5 та иш ўрни ташкил этилди.

Шундан, мақсадли дастурга мувофиқ 27 570 та, (*саноатда 9119 та, хизмат кўрсатишида 8356 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 3025 та*), қурилиш ва инфратузилма обьектларини амалга оширишда 7070 та, фаолият кўрсатмаётган корхоналар фаолиятини тиклашда 2429 та иш ўринлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, якка тадбиркорликни ривожлантиришда 6532 нафар, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилишдаги мавсумий ва вақтинча ишларда 22886 нафар, аҳолининг шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалигидаги ўз-ўзини банд қилиш ва оиласий тадбиркорликда 36386 нафарининг бандлиги таъминланди.

Кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 1 трилн. 425,9 млрд. сўмлик кредит берилди ва 3259 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

2880 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 270,6 минг метр квадрат бино-иншоотлар ижарага берилиб, натижада 2385 та иш ўрни яратилди. Уларнинг сони 17261 тага етди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 1568 та, саноатда 3908 та, қурилишда 1836 та, савдо соҳасида 5102 та, ташиш ва саклаш соҳасида 714 та ва бошқа соҳаларда 4133 тани ташкил этди.

Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 70,5 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 43,3 фоизни ташкил этди.

2017 йилда 10 та (*Самарқанд шаҳрида 8 та, Булунгур ва Нуробод туманларида 1 тадан*) меҳмонхона ва 7 та туроператорлик фаолияти билан шуғулланувчи сайёҳлик ташкилотлари иш бошлади. Улар сайёҳларга 55 та маршрут бўйича хизматлар кўрсатмокда.

2017 йилда Самарқандга жами 1 миллион 248,4 мингдан ортиқ турист ташриф буюрган бўлиб, меҳмонхоналарга хорижий сайёҳлар 205 минг кун тунаган.

Вилоятнинг зиёрат туризм йўналиши учун бой салоҳият борлиги инобатга олиниб янги зиёрат туризмга мўлжалланган маршрут ишлаб чиқилиб, жорий йил 30 июлдан 1 августга қадар Малайзия ва Индонезиядан чартер рейс орқали ташриф буюрган 150 нафар сайёҳлар учун биринчи марта ушбу амалиёт тадбиқ қилинди.

Транспорт логистика соҳасида октябр ойидан бошлаб Самарқанд-Истамбул-Самарқанд йўналишида тўғридан-тўғри авиақатнов амалга оширилмоқда.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар дунёning турли мамлакатлари ва йирик шаҳарларида (*Лондон, Берлин, Мадрид, Милан, Токио, Шанхай, Сеул, Москва ва бошқалар*) ташкил этилаётган туризм ярмаркаларида фаол иштирок этишмоқда.

Жумладан, 18-22 январ кунлари Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган “FITUR-2017”, 8-12 март кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган “ITB Berlin 2017”, 14-16 март қунлари Москва шаҳрида ўтказилган “MITT-2017”, 1-4 июн қунлари Сеул шаҳрида ўтказилган “KOTFA” сайёҳлик кўргазмаларида 30 га яқин сайёҳлик компаниялари иштирок этиб, 2017-2018 йилларда чет эллик сайёҳларни жалб қилиш бўйича 100 дан ортиқ шартномалар тузиб қайтишди.

Имзоланган шартномаларга асосан 2017 йилнинг апрел-октябр ойларида 2500 сайёҳдан иборат Япония-Самарқанд йўналишидаги чarter рейслари қабул қилинди.

Пахтачиликда 85,5 минг гектар майдонга 4943 та фермер хўжалиги томонидан ғўза парвариш қилиниб, давлатга жами 211 минг тонна пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича контрактация шартномалари тузилган.

Вилоят бўйича 218909 тонна пахта хомашёси тайёрланиб, шартномавий режа 104 фоизга бажарилди. Фермер хўжаликлари томонидан 407,2 млрд. сўм даромад қилинди, соф фойда 53,6 млрд. сўмга етиб, рентабеллик даражаси 15,2 фоизга тенг бўлди.

Ғалла ҳосили учун 156,5 минг гектар майдонга (*49 минг гектари лалми, 107,5 минг гектари сувли*) 9269 фермер хўжалиги томонидан ғалла экилди. Давлатга шартномавий ғалла сотиш режаси 299,4 минг тонна бўлиб, шундан 261,1 минг тоннаси товар, 38,3 минг тоннаси уруғлик дон ҳисобланади. Амалда жами 318,6 минг тонна, шундан 292,8 минг тонна товар, 25,8 минг тонна уруғлик дон топширилди. Режага нисбатан 32 минг тонна товар дон кўп топширилди. Ғалладан олинган ялпи ҳосил 726 минг тонна бўлиб, ўртacha бир гектар сувли майдондан 64,4 центнердан ҳосил олишга эришилди. Фермер хўжаликлари томонидан 488,8 млрд. сўм даромад қилинди, соф фойда 74,5 млрд. сўмга етиб, рентабеллик даражаси 18 фоизга тенг бўлди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастурига асосан 414 та қиймати 108,9 млрд. сўмлик (*шундан 59 млрд сўми банк кредити*) лойиҳаларни ишга тушириш ва натижада 1320 та иш ўрни яратиш белгиланган. Амалда 333 та лойиҳа ўз фаолиятини бошлади. Бунинг учун жами 76 млрд сўм пул маблағи сарфланди (*42,1 млрд. сўми банк кредити*). Амалга оширилган ишлар натижасида 1093 та иш ўрни яратилди.

Дехқончилиқда 676,7 минг тонна картошка, 1 млн 992 минг тонна сабзавот, 151 минг тонна полиз, 565,3 минг тонна мева, 662,3 минг тонна узум маҳсулоти етиштирилиши ҳисоб-китоб қилинди.

Чорвачилиқда 285,6 минг тонна гўшт, 1339,7 минг тонна сут, 1 млрд 340 млн дона тухум, 3167 тонна жун, 93,5 минг дона қорақўл тери, 1984 тонна пилла, 3558,1 тонна балиқ, 1679,3 тонна асал етиштирилди.

## **2.2. Самарқанд вилоятининг инвестицион фаолияти таҳлили**

Самарқанд вилояти инвестицион фаолиятини таҳлил қиласиз, ушбу вилоядада юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибидики Республикамиз иқтисодиётида етакчи ўринларда туриб, ўз ҳиссасини қўшаётган вилоятлардан саналади.

Самарқанд вилоятида ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш учун барча мулкчилик шакллари бўйича 2017 йилда 3307,1 млрд.сўм (645,7 млн. АҚШ доллари доллар эквивалентида) ёки 2016 йилга нисбатан 89,9 фоиз асосий капиталга инновацияларидан фойдаланилди.

2017 йилда жами асосий капиталга инновацияларнинг 61,0 фоизи Самарқанд шаҳар, Кўшработ, Ургут, Самарқанд туманларида ўзлаштирилди (мос равишда жами инновацияларнинг 55,8 фоизи ўзлаштирилди).

Инвестицион фаоллик кўпроқ Самарқанд шаҳар, Кўшработ, Ургут, Самарқанд туманларида кузатилди (2016 йилга нисбатан 4,1 марта кўпайди).


Паяриқ туманида эса ўтган йилга нисбатан асосий капиталга инновациялар 0,7 фоизга камайди.

**2.2.1-жадвал** маълумотларидан кўриниб турибидики аҳоли жон бошига асосий капиталга инновациялар 2017 йил январ-декабр ойларида 889,1 минг сўм ёки 2016 йилга нисбатан 103,2 фоизни ташкил этди.

2.2.1- жадвал<sup>3</sup>

---

<sup>3</sup> Самарқанд Вилоят Статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди



2017 йил аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инновациялар

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инновациялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Кўшработ туманида 1650,0 минг сўм ёки ўтган йилининг мос даврига нисбатан 114,5 фоиз, Самарқанд шаҳрида (2777,3 минг сўм ёки 110,4 фоиз), Оқдарё туманида (1064,1 минг сўм ёки 116,7 фоиз), Ургут туманида (912,7 минг сўм ёки 161,1 фоиз) энг паст кўрсатгич эса Тайлоқ туманида (241,9 минг сўм ёки 99,4 фоиз) қайд этилди.

2.2.2-жадвал<sup>4</sup>

<sup>4</sup> Самарқанд Вилоят Статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди


2.2.2-жадвал маълумотлари қўйироқдаги 2.2.4-жадвал маълумотларида билан биргаликда келтирилган.

### 2.2.3-жадвал ва 2.2.1.диаграмма

#### **Мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталага инновацияларнинг таркиби**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан фоизда</i>
<b>Жами</b>	<b>3307,1</b>	<b>100,0</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	136,6	4,1
ТОҒ - кон саноти	20,7	0,6
ишлаб чиқариш саноати	644,3	19,5
електр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво	64,2	1,9
сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йифиши ва қайта ишлаш	60,8	1,8
курилиш	86,2	2,6
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоциклларни таъмирлаш	408,5	12,4
ташиш ва сақлаш	133,2	4,0
овқатланиш ва яшаш бўйича хизматлар	343,2	10,4
ахборот ва алоқа	42,7	1,3
молия ва сугурта фаолияти	22,7	0,7
профессионал, илмий ва техник фаолият	10,1	0,3
таълим	110,4	3,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	69,1	2,1
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	13,5	0,4
жами фаолият турларидан ташқари: тураг жой қурилишига инновациялар	958,9	29,0
бошқа фаолият турлари	182,0	5,6

**MULKCHILIK SHAKLLARI BO`YICHA ASOSIY KAPITALGA KIRITILGAN  
INVESTITSIYALAR TARKIBI**  
(jamiga nisbatan foizda)



Самарқанд Вилоят Статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

**Мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталага инновацияларнинг таркиби**  
(Жамига нисбатан фоизда)

	2017йил	Маълумот учун		
		2010й.	2015й.	2016й.
Асосий капиталга инновациялар	100,0	100,0	100,0	100,0
Хусусий мулки	78,2	91,0	16,0	83,0
Оммавий (Давлат) мулки	21,8	9,0	84,0	17,0

Самарқанд Вилоят Статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Юқоридаги 2.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Нодавлат мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг жами асосий капиталага инновациялардаги улуши 2017 йилда 78,2 фоизни ташкил этди, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 12,8 фоиз пунктга камайган.

2017 йилда асосий капиталага инновацияларнинг 69,1 фоизи қурилиш-монтаж ишларига йўналтирилди.

2017 йилда асосий капиталага инновацияларнинг асосий молиялаштириш манбанинг 69,0 фоизини корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ташкил этган бўлса, жами инновацияларнинг қолган 31,0 фоизи жалб этилган маблағлар хисобига тўғри келди. Давлат бюджети маблағининг

жами асосий капиталга инновациялардаги улуши 7,1 фоизни ташкил этади.

Банк соҳаси ва иқтисодиётнинг реал сектори бошқа қарз маблағлари улуши 14,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 3,1 фоизга кўпайган.

Давлат бюджетидан инновациялар Ўзбекистон Республикаси инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий соҳани қўллаб-кувватлаш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадларидағи манзилли инновация дастурини бажаришга йўналтирилди.

#### 2.2.4. Жадвал АСОСИЙ КАПИТАЛГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИСИЯЛАР МАНБАЛАРИ

	2017 йил		Маълумот учун жамига нисбатан фоизда		
	млрд. сўм	жамига нисбатан фоизда	2010й.	2015й.	2016й.
Асосий капиталга инновациялар жами	3307,1	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан маблағлар хисобидан молиялаштирилди:					
Республика бюджети	235,5	7,2	7,2	4,9	6,0
Корхона ва аҳоли	2279,7	69,0	62,3	69,0	74,0
Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	467,5	14,1	14,9	12,0	11,0
Хорижий инновация ва кредитлар	114,4	3,4	6,4	4,0	2,0
Бюджетдан ташқари фондлар, тикланиш ва тараққиёт фонди, суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондларини кўшган ҳолда	162,7	4,9	6,1	8,0	6,0
Давлат мақсадли фондлари, болалар спортини ривожлантириш ва реконструксия қилиш фондини кўшган ҳолда	47,3	1,4	3,1	2,1	1,0

**2.2.4-жадвал** маълумотларидан кўринадики 2017 йилда 3307,1 млрд.сўм (доллар эквивалентида 645,7 млн. АҚШ доллари ёки ўтган йилга нисбатан 89,9 фоиз асосий капиталга хорижий инновация ва кредитлар ўзлаштирилди ва унинг жами асосий капиталга инновациялардаги улуши 3,4 фоизни ташкил этди. Республика бюджетидан 235,5 млрд ажратилган бўлса (доллар эквивалентида 277,6 млн. АҚШ доллари) Республика бюджетидан 2017 йилда жамига нисбатан 7,2 фоиз 2016 йилга нисбатан 120 фоиз ўсиш тенденсияси кузатилган.

Корхона ва аҳоли маблағлари 2017 йилда жамига нисбати 69,0 фоизда 2010 йилда жамига нисбати 62,3 фоиз бўлган бўлса 2017 йил 2010 йилга нисбатан 110,7 фоиз ўсишга эришилди. Энг паст кўрсатгич Давлат мақсадли фонdlари, болалар спортини ривожлантириш ва реконструксия қилиш фондини қўшган ҳолда уларнинг ҳиссаси 2017 йилда жамига нисбати 1,4 фоиз 2010 йилда жамига нисбати 3,1 фоиз бўлган. 2017 йилнинг 2010 йилга нисбати пасайиш кузатилган яни 45,1 фоизга тўғри келди.

Қулай инновация муҳитини шакллантириш ва инновацияларни кенг жалб қилиш мақсадида олиб борилган қатор ислоҳотлар натижасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инновациялар ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 114,4 млрд сўмни (доллар эквивалентида 24,9 млн. АҚШ доллари) ташкил этиб, инновациялардаги улуши 3,4 фоизни ташкил этди.

### **2.3 Инновацияларни кўпайтиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда, вилоятдаги маҳсус ҳудудларнинг ўрни**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли Фармонига мувофиқ “Ургут” эркин иқтисодий зonasи ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида эркин иқтисодий зона фаолиятини йўлга қўйиш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ургут иқтисодий

зонасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ушбу худудда инвестицион фаолият оқимининг янада ривожланиши ва хорижий инвесторларнинг кўпайишининг айни муддаосидир.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 196-сонли қарори билан “Ургут” ЭИЗнинг Низоми тасдиқланди;

### 2.3.1. расм



[www.uyifz.uz](http://www.uyifz.uz)

“Ургут” ЭИЗ учун 816 гектар ер майдони ажратилди, шундан Ургут туманида - 390 гектар (Мерганча массивида 144 гектар ва Сариқтепа массивида 246 гектар), Пастдарғом тумани Дўстлик массивида - 66,0 гектар ва Нуробод тумани Сазаған массивида - 360,0 гектар;

Еркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши томонидан 47 та лойиха “Ургут” ЭИЗда жойлаштириш маъқулланди. Ушбу лойиҳаларни 45 таси маҳаллий инновация хисобидан, 2 та лойиха хорижий инновация (Туркия ва Хитой) хисобидан амалга оширилиши режалаштирилган.

Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 172,9 млн. АҚШ долларини (53,3 млн.доллар ўз маблағи, 112,0 млн.доллар банк кредити, 7,6 млн.доллар хорижий инновация ҳисобидан) ташкил этиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳалар тўлиқ ишга туширилиши ҳисобидан 3476 та янги иш ўринлари яратилиши, 273,0 млн АҚШ долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳамда 98,0 млн. АҚШ доллар экспорт амалга оширилиши кутилмоқда.

2 та лойиҳа туркия ва хитой давлатлари томонидан.

47 та лойиҳа жами 85,5 гектар ер майдонида жойлаштирилди. Жумладан: "Мергандча" массивида 13 та лойиҳа 18,2 гектар, "Сариқтепа" массивида 28 та лойиҳа 29,3 гектар, "Сазағон" массивида 3 та лойиҳа 13,0 гектар ва "Дўстлик" массивида 3 та лойиҳа 7,5 гектар ер майдонида жойлаштирилди.

Лойиҳалар таркиби тахлил қилинадиган бўлса, 1,0 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар 17 тани, 1 млн.дан – 3 млн.гача 16 тани, 3 млн.дан – 5 млн.гача 5 тани, 5 млн.дан 10 млн.гача ва ундан ортиқ лойиҳалар 9 тани ташкил қилиши кўринади.

2018 йилнинг 1 март ҳолатига 23 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, 12 та лойиҳа бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда, 12 та инновация лойиҳалари мулкдорларнинг ЭИЗ ҳудудидаги мавжуд бино ва иншоотлар негизида амалга оширилиши белгиланган. Ҳозирги кунга қадар инвесторлар томонидан лойиҳаларга 52,1 млн АҚШ доллари миқдорида инновациялар киритилди. Шундан, 44,0 млн АҚШ доллари банк кредитлари шаклида киритилди.

2018 йил якунига қадар 21 та лойиҳа тўлиқ ишга тушиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Дирексия ҳозирги кунда инвесторлар билан 11 та истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан музокаралар олиб

бормоқда. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 40,2 млн АҚШ долларини ташкил этиб, уларнинг амалга оширилиши натижасида 3,1 млн.АҚШ доллари миқдорида Буюк Британия давлати чет эл инновацияси киритилиши ва 658 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасининг бош лойиҳаси “Ўзшаҳарсозлик” ЛИТИ томонидан ишлаб чиқилмаган. Бунинг натижасида табий газ, электр, ичимлик, техник ва оқова сув таъминоти, автомобил ва темир йўллар қуриш ишлари кечикмоқда. Бу эса, инвесторларни жалб қилиш ҳамда тадбиркорлар томонидан лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасининг барча ҳудудларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси яратилиши жараёнида турибди. Жумладан:

Автомобил йўллари соҳасида;

“Сариқтепа” массивида бош режага асосан 7,0 км ички йўллар барпо этилиб, шағал қопламаси ётқизилган.

Таклифда Сариқтепа массивига олиб борувчи 4Р-47 Булунғур-Ургут автомобил йўлининг 25 км қисмини капитал ремонт қилиш, Сариқтепа массивига олиб борадиган 1,6 км янги йўл қуриш ва 2,4 км қишлоқ ички йўлини капитал ремонт қилиш.

-Дўстлик массивига олиб борадиган 3,0 км йўлни капитал ремонт қилиш.

-Сазағон массивида 17 км ички йўллар барпо этиш.

-ЕИЗнинг барча массивларида жами 56 км ички йўллар барпо этиш.

Ичимлик суви ва оқова (канализация) таъминоти.

“Ургут” ЭИЗга тақдим этилган лойиҳаларнинг деярли барчаси учун сув истеъмоли ва оқова сув (канализация) чиқариш эҳтиёжи мавжуд. Лекин ушбу масалада лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланмаган.

Таклифда Мерганча ва Сариқтепа ҳудудларини ичимлик ва техник сув билан таъминлаш 2 та (1000 метр кублик сув иншооти) ва сув тозалаш иншооти ва 16,0 км канализация тармоғи тортиш.

“Ургут-2” “Сазагон” массиви ҳудудидан ичимлик ва техник сув билан таъминлаш учун 1 та (1000 метр кублик сув хавзаси) қуриш ва сув тозалаш иншооти 6 км канализация тармоғи тортиш.

“Ургут-3” “Дўстлик” массиви ҳудудидан янги ичимлик сув ва техник иншоати билан таъминлаш (500 метр кублик сув иншооати) қуриш ҳамда 0,5 км канализация тармоғи тортиш.

Електр таъминоти;

Ургут ЭИЗнинг "Мерганча" массивида Ургут-2 нимстансиясининг мавжуд бўлган 16000 кВА нимстансияга қўшимча равища 25000 кВА нимстансия олиб келинди. Унинг қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилмасдан турибди, натижада мазкур массивдаги корхоналарнинг электр таъминотида узилиш юзага келиб, маҳсулотлар сифатига ва ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир қилмоқда.

“Сариқтепа” массивидаги лойиҳаларнинг узлуксиз электр таъминоти учун “Суғдиёна” нимстансиясидан 2,8 км 10 кВа электор тармоғи тортилди.

Таклифда Мерганча массивида қўшимча ўрнатилган 25000 кВА нимстансияни ишга тушириш учун керак бўлган ички қурилмалар (жумладан 14 та ячейка, разделител (110 кв), 10 та (110 кв) изолятор, 2 тонна трансформатор мойи ва бошқалар) "Ўзбекенерго" АК томонидан ажратилиб, тезроқ ишга туширилса, массивда янги қурилаётган саноат корхоналарга 32 мВт электр қуввати таъминланган бўларди.

-Сариқтепа массивида “Суғдиёна” нимстансиясининг 500/220/10 кВтли таянчидан узлуксиз электр таъминоти чиқариб бериш ёки ЭИЗ ҳудудига 1 та 25000 кВт янги нимстансия ўрнатиш.

-Сазоғон массиви. Тараққиёт нимстансиякидан 10 кВАли 10 км хаво тармоғи тортиб, ишлаб чиқариш корхоналарига узлуксиз электр таъминоти чиқариш ёки 1 та 16000 кВтли янги нимстансия ўрнатиш.

-Дўстлик массиви. "Самарқандкимё" АЖнинг мавжуд 40000 кВА трансформаторини капитал реконструксия қилиб, 2 та ячейка ўрнатиш ва 2,5 км электр тармоғи тортиш.

Газ таъминоти. "Мерганча" ва "Сариқтепа" массивларига Д-219 ммли қувур орқали 9,5 км газ тармоқлари тортиш ва 3 та саноат тугунлари қурилди. "Дўстлик" ва "Сазоғон" массивларига Д-276 ммли қувур орқали 7,0 км газ тармоғи тортилди.

Таклифда "Мерганча" ва "Сариқтепа" массивларидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг табиий газ таъминотига бўлган талабидан келиб чиқиб, исъемол қуввати йилига 20 млн кубдан ортиқ табиий газ талаб этилади. Ушбуни инобатга олиб "Тайлоқ туманидаги мавжуд “Ургут-1” ГРСдан "Боғишамол" саноат тугунигача 29-км алоҳида тармоқ тортиш лозим. Пастдарғом тумани Жума шахридаги Намуна ГРСдан Д-276 ммли газ қувури орқали "Дўстлик" ва "Сазоғон" массивларига 25,0 км табиий газ тармоғи тортиш ва 3 та саноат тугунлари ўрнатиш.

Темир йўл қурилиши бўйича: Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 2 июлдаги 341-сонли карорига қўшимча таклиф киритилган.

Таклифда Ушбу массивларни темир йўл билан таъминлаш мақсадида “Самарқандкимё” АЖнинг мавжуд темир йўл тармоғидан жами 54 км масофада темир йўл қуриш таклифи киритиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур темир йўл Пастдарғом тумани худудидан (9 км), Нуробод тумани (5 км), Самарқанд тумани (19 км) ва Ургут тумани (21 км) худудидан ўтказилиши мумкин.

### **Банк кредитлар бўйича:**

Бугунги кунда умумий қиймати 52,0 млн АҚШ долларлик (шу жумладан 9,8 млн АҚШ доллар ўз маблағи ҳисобидан ва 46,1 млн АҚШ доллари банк кредити ва 0,6 млн АҚШ доллар хорижий инновация ҳисобидан) 7 та лойихага 44,05 млн доллар миқдорида банк кредити ажратилиб, молиялаштириш масаласи хал этилган.

Бундан ташкари, умумий қиймати 44,4 млн АҚШ долларлик (шу жумладан 13,0 млн АҚШ доллар ўз маблағи ҳисобидан ва 27,3 млн АҚШ доллари банк кредити ва 3,7 млн АҚШ доллар хорижий инновация ҳисобидан) 8 та лойиханинг кредит ҳужжатлари тијорат банклари ўрганишида бўлиб, уларга 16,5 млн доллар кредит ажратилиши кутилмоқда.

Шунингдек, умумий қиймати 5,7 млн АҚШ доллари (шу жумладан 2,7 млн АҚШ ўз маблағи, 2,9 млн АҚШ доллар ҳисобидан) 4 та лойиха ташаббускорлари кредит олиш учун тақдим этган гаров таъминоти банк томонидан паст нархларда ҳисобланиши сабабли, банклар ҳаридоргир ва юқори ликвидли нотурар бино-иншоотларни 60-70 фоиздан юқори нархланмаслиги, лойиха учун олиб келинаётган янги замонавий ишлаб чиқариш ускуналарини эса кўпи билан 50 фоиз қийматида нархланишини натижасида инвесторларда гаров таъминотида муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Таклифда Гаров таъминоти учун таклиф қилинаётган юқори ликвидли нотурар бино-иншоотларни ва замонавий янги технологияларни 80 фоиздан кам бўлмаган қийматда баҳоланиши ҳамда тақдим қилинаётган гаров таъминотини 125 фоиз эмас, балки 100 фоизлик гаров таъминотини ҳисобида ҳисобланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, лойиха учун олиб келинаётган технологик асбоб-ускуналарни баҳолашда фақат “СГС” (Швейцария) ташкилотининг хулосасига таянмасдан бошқа муқобил ҳалқаро баҳоловчи ташкилотлар хулосаларини ҳам инобатга олишга рухсат бериш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги қарори билан кичик саноат зоналари иштирокчиларига қўйидаги имтиёзлар берилган:

Кичик саноат зоналари (кейинги ўринларда КСЗ)да қатнашувчи ташкилотлар, шу жумладан, янги барпо этилаётган ташкилотлар хўжалик юритувчи субъектни КСЗ ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб юридик шахсларнинг мол-мулк солиги ва фойда солиги тўлашдан, шунингдек, ягона солиқ тўлови (солиқقا тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланаётган субъектлар учун) тўлашдан икки йил муддатга озод қилинган;

Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг камида 30 фоизи экспортга сотилган тақдирда қўшимча равишда икки йилга узайтирилади.

**Хорижий инновацияларни жалб этиш бўйича вилоятда "Самарқанд автомобил заводи" (Япония), "ЖВ МАН Авто" (Германия), "УргГазКарпет" (Турция), "Дака текс" (Россия) ва "СамАнтенГилам" (Турция) каби йирик қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.**

#### 2.3.1.жадвал<sup>5</sup>



<sup>5</sup> Самарқанд вилоят ҳокимияти маълумотлари асосида

Самарқанд вилоятида 2018-2019 йилларга мўлжалланган қиймати 408 млн. долларлик (*шундан 366 млн. доллари тўғридан-тўғри*) хорижий инновацияларни жалб этиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди.

Дастурга асосан, 50 та лойиҳа бўйича 2018 йилда қиймати 295,7 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инновациялар жалб этилиши белгиланган. Шундан 25 та (*қиймати 188,4 млн. долларлик*) лойиҳалар бўйича хорижий ҳамкорлар билан дастлабки келишувларга эришилди. Қолган 25 та (*қиймати 107,3 млн. долларлик*) лойиҳалар бўйича хорижий ҳамкорларни аниқлаш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг 9 таси Хитой, 3 таси Туркия, 2 тадан АҚШ, Чехия Россия ва Қозоғистонга, биттадан лойиҳалар Германия, Озарбайжон, Жанубий Корея, ЖАР, Эрон давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

## **3-БОБ. Самарқанд вилояти худудида инновацияларни кўпайтириш ва уларнинг такомиллаштириш истиқболлари**

### **3.1. Инновацияларни жалб қилиш ва уларни такомиллаштириш йўллари**

Самарқанд вилояти юқоридаги маълумотлардан қўриниб турибдики, ички ишлаб чиқариш қуввати ва ресурслар таркиби бўйича Республикада етакчи ўринларда туради. Бу факторлар шундан далолат берадики ушбу ҳудудда инвестицион мухитни яратиш, янги ишлаб чиқариш кучларини шакллантириш учун шароит етарли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган ҳаракатлар стратегиясининг 3.4- бўлимида Яна бир йўналиш - инновация мухитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инновацияларни фаол жалб қилишдан **иборат эканлиги белгиланди**.

2017 йилнинг ИВ чорагида хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида инновациявий жозибадорликни янада ошириш буйича инновация фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини, шу жумладан, «Хорижий инновациялар тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари ва кафолатлари туғрисида»ги, «Инновация фаолияти тўғрисида»ги қонунларни танқидий таҳлил қилиш, хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ўрганиш натижасида тўғридан-тўғри амал қиласидиган, инновация фаолияти, хорижий инновацияларнинг кириб келишини қўллаб-қувватлайдиган, хорижий инвесторларнинг хуқуқларини кафолатлайдиган «Инновациялар ва инновация фаолияти тўғрисида»ги қонун лойихасини ишлаб чиқиш ва киритиш белгилаб берилган<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаътлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий Услибий рисола Тошкент-2017й

Худуд иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири бу инвестицион фаолиятни такомиллаштириш ва унинг ўсишини таъминловчи янги механизмларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Инвестицион фаолиятни шакллантириш ва чет эллик инвесторларни мамлакатга жалб қилиш жуда мураккаб жараён бўлиб, бу маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган барча мамлакатлар учун зарурдир. Чунки инновациявий фаолият ва инновацияларни бошқариш кўплаб омилларга боғлик, бинобарин, уларни бошқаришнинг бирор бир усули алоҳида, аниқ кўринишида хеч қандай адабиётда яққол тарзда кўрсатиб ўтилмаган. Вилоят иқтисодиётининг ўсиши, энг аввало, чет эл инновацияларини ўзлаштириш ва замановий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги прогрессив ва рақобатбардош ишлаб чикаришни ҳаракатга келтириш асосида таъминланиши мумкин. Лекин хўжалик субектларида ҳамон молиявий ресурсларнинг камлиги инновация киритиш даражасини чегаралаб қўювчи муҳим сабаб бўлиб келмоқда. Таклиф этилаётган ишлаб чикариш омиллари - ишчи кучи, асбоб-ускуналар, конструксион материаллар, технологиялар, аҳолининг тўлов қобилиятига эга қисмидан юқори бўлмоқда. Бу эса инвестицион фаолият натижасидаги ишлаб чикарилаётган тармоқ маҳсулотлари баҳоси бошқа маҳсулотларга нисбатан нархнинг пасайишига сабаб бўлади. Бозор ислоҳотлари баъзи корхоналарнинг молиявий ахволи ёмонлашувига олиб келмоқда ва уларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича давлатимиз томонидан дастурлар ишланмоқда.

Бу ҳолат фақат реал фойданинг қисқаришига эмас, балки рентабеллик даражаси пасайишига, заарар билан ишлаётган корхоналарнинг кўпайиши, қарзлар ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги даражаси ошишида ҳам намоён бўлмоқда. Қарзларнинг ортиши етказиб берувчи ва истеъмолчининг молия - кредит сиёсатига муносабатининг натижаси бўлиб, корхоналарнинг янги шароитда ишлашга салбий муносабатини келтириб

чиқармоқда. Яна бир томони, пул инфлясияси ва шартномавий интизомнинг сустлити сабаб қарзлар ўз вақтида тўланмаслиги айрим корхоналар ва банкларнинг молиявий маифаатлари доирасига кириб, ўз вақтида ҳисобкитобларнинг қилинмаслигидан қўшимча даромад олиш учун фойдаланиш, маблағларнинг воситачи, молиякредит операцияларига жалб этиш, пеняларнинг олиниши ҳолларига олиб келаяпти. Инвестицион фаолиятни ислоҳ қилишда хусусийлаштирилган корхоналарнинг молиявий ва инновациявий фаолиятига ҳам муҳим ўрин ажратилади. Корхоналар молмулкини ҳамда аксияларини сотиш ҳисобига капитал маблағларни молиявий таъминлаш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади. Аммо аксияларга талаб сустлиги ва уларнинг асосий қисми корхонада фаолият юритаётган меҳнат жамоасига бириклирларни сотишини мавжуд, корхоналарда қизиқтириш механизми деярли яратилмаган. Аксиядорлик жамиятларига айлантириш жараёни аксияларни сотиш ва иккиламчи бозорда уларнинг нархини кўтариш ҳисобига қўшимча маблағларни жалб этиш манбаига энди айланмоқда. Инфлясия суъратларининг пасайиши, банк фоиз ставкалари қисқариши ва давлат қисқа муддатли облигацияларнинг даромади иқтисодиётдаги реал секторга катта микдорда кредит ресурсларини жалб қилишга кўмак бериши лозим. Бироқ ҳозирча бу заҳиралар етарли эмас. Шу сабабли ишлаб чиқаришни кенгайтираётган корхоналар олдида инновация манбаларини излаш муаммоси ҳам юзага келади.

Вилоят ичкарисида молиявий заҳиралар тақчиллиги сезилаётганлиги туфайли кўплаб корхоналар сармоя ажрата оладиган, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув технологиясига эга бўлган ҳамда чет эл бозорига чиқишига ёрдам берувчи хорижий ҳамкорлар топишга интилмоқдалар.

Инновацияларни кенг кўламда жалб этишга халқ хўжалигини таркибий қайта қуришга эришишнинг муҳим шарти, деб қаралмоқда. Асосий муаммо шундаки, тадбиркорларимизнинг ўзига хос манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушавермайди. Кўплаб сабаблар туфайли хорижий инвесторларнинг асосий қисми иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган ҳудудларга қўйиладиган сармояларга фақатгина дивиденд ва фоизлар кўринишидаги пул ишлаш йўли деб қарамайди. Улар бундай сармояларни умумий стратегиясининг бир қисми, деб ҳисоблашади. Хорижий тадбиркорларнинг асосий мақсади эртаси бор бўлган бозорда мустахкам ўрнашиш, молиявий оқимлар устидан назорат ўрнатиш, импорт ва валюта чеклашларини четлаб ўтиш ва баъзан рақобатчи корхонани бозордан сиқиб чиқаришдан иборат. Шу сабабли ҳам хорижий инвесторларга иқтисодиётни кўтаришдаги асосий ҳарактерлантирувчи куч сифатида қараш мумкин эмас. Хорижий инвесторларни жалб этиш, чет эл тадбиркорларига имтиёзлар яратишида, авваламбор, мамлакат манфаатидан келиб чиқиш лозим. Шуни назарда тутиш керакки, агар корхона устидан назорат хорижлик тадбиркорларга тегишли бўлса, у ҳолда қарор қабул қилиш ва даромад мамлакатдан ташкарига кўчади. Корхона эгалари нуқтаи назаридан фойдали бўлган қарор мамлакат иқтисодиёти учун заарли бўлиши мумкин. Мисол учун, агар корхона тугатиладиган бўлса, унинг ходимлари даромади ҳам йўқолади, давлат даромади қисқаради, бунинг устига, давлат ишсиз ходимларни ишга жойлаштириш харажатларини ўз зиммасига олиши керак бўлади. Айнан шу сабабли ҳам хорижий ҳамкорларни жалб этиш, бу лойихада иштирок этаётган барча томонлар манфаатдорлиги мутаносиблигига асосланиш лозим. Самарқанд вилоятида умуман олганда Ўзбекистондаги ва шунингдек, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган бошқа мамлакатлардаги корхоналарнинг кўплаб раҳбарлари хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдиришмоқда.

Аммо тадқиқотлар, шу жумладан, мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларнинг ҳаракатлари бир-бирига бирмунча зид. Бир томондан, маъмуриятлар ўз корхоналари устидан назоратни сақлаб қолиш истагида бўлса, бошқа томондан, хорижий инвесторлар ўтиш даври учун хос бўлган кўплаб ишлаб чиқариш обектлари ва молиявий муаммоларни ҳал этишни ўз зиммасига олади, деб ҳисоблайди. Корхона раҳбарлари ва ташки инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қийинлаштирувчи сабаблардан бири сифатида уларнинг инвестицион жараённи тасаввур этишлари масаласи қийин кечишини тушунишларини кўрсатиш мумкин. Корхона раҳбарларининг фикрича, инвестицион жараённинг бирмунча мураккаб босқичи сармоя жалб этиш ва уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди-берди босқичидан иборат. Олинган маблағни самарали ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди. Уларнинг ўз сармоялари қўйилган корхонани бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхоналарни назорат қилишга интилишлари шу билан изохланади. Айни кунларда бирмунча муҳим муаммолардан бири - янги маҳсулотлар ишлаб чикара олиш ва ҳозирда тайёрланаётган товарлар сифатини кўтариш, уларни халқаро бозорга чиқара олиш ва сотишидир. Бундан келиб чиқадики, сармоя кўйишнинг асосий йўналиши илмий тадқиқотлар ва тажрибаконструкторлик ишланмалари, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда маҳсулот сотиш тизимини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Шундай қилиб, кўплаб корхоналар айланма маблағларнинг сурункали этишмаслиги муаммосини бошидан кечирмокда, бу шу ташкилотлар раҳбарларигагина эмас, балки потенсиал инвесторларга ҳам маълум. Корхона раҳбарлари олинган маблағдан турли-туман имкониятларни қидириб, ўз муаммоларини, аввало, иш ҳақи масаласини ҳал этиб олишга умид қилса. инвесторга ўз сармоясининг бундай келажаги жуда маъқул бўлавермайди. Аксиядорлар жамияти маъмурияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича

бошкарув меёрий ҳужжатларини амалда татбиқ этиш механизмини яратиш зарур. Капитал тизимини шундай ислоҳ қилиш зарурки, ниҳоят мулк эгаси ким эканлигини билиш лозим.

Бирорта ҳам инвестор эгаси номаълум болган корхонанинг аксиясини сотиб олмайди. Шу сабабли хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг давлат томонидан аниқ чегарасини белгилаш керак. Шундай қилиб, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш жараёнини оддий схема кўринишида қуйидагича баён этиш мумкин: стратегик максад-иқтисодий ҳисоб, таваккалчилик даражасини баҳолаш, уни энг кам даражага тушуриш йўлларини топиш. Агар фаолиятнинг бундай узвийлиги аниқ ва тўлиқ бажарилса, у ҳолда хорижий инновациялар жалб этилишига умид қилиш мумкин. Корхоналарнинг инвестицион фаоллиги жадаллашувига таъсир этувчи омиллардан яна бири мамлакатдаги валюта сиёсатидир. Албатта бу борада ҳозирги пайтда ижобий силжишларни кўриш мумкин. Чунончи, Марказий банкнинг расмий курслари ва бозор курслари ўртасидаги кескин фарқ қисқартирилиши экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчилар валюта тушумларини расмий сотилиши натижасида сезиларли молиявий йўқотишлиарнинг олди олиниб, уларнинг экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилмоқда.

Самарқанд вилоятида инновацияларни бошқариш ва кўпайтиришда қуйидаги усулларни таклиф сифатида кўрсатишимиш мумкин:

- Инновацион усул, бунда вилоятдаги маҳсус ҳудудлар салоҳияти бўйича янги хорижий инвесторларни жалб қилиш усулларини таҳлил этиш ва янгиликка интилиш.
- таҳлилий усул, бунда жалб қилинган инновациялар мониторинг қилинади, инновацияларни жалб қилиш, киритиш услуби, шакли, йўналиши қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан назорат қилиб борилади.

- иқтисодий усул, бунда иқтисодий қулай шароитлар яратиш орқади жалб қилинган инновацияларни бошқариш мумкин;
- ижтимоий усул, инвесторларнинг маблағларини жалб қилиш орқали мамлакатдаги аҳоли иш билан таъминланади ва фаровонлик даражаси ошади;
- меёрий-хуқуқий усул, бунда мавжуд меёрий-хуқуқий механизмларни такомиллаштириш орқали давлат томонидан бошқарилади;
- молиявий усул, бунда молиявий рағбатлантиришлар орқали инвесторларнинг маблағларини бошқариш мумкин. Яъни асосан содиқларнинг енгиллаштирилиши ва фоиз ставкаларининг туширилиши билан, инвесторга қўшимча молиявий имтиёзлар яратиб, инвесторнинг маблағларини бошқариш мумкин;
- информацион усул, бунда ахборот шаффофлигини яратиш орқали инновацияларни бошқариш мумкин;
- интеграцион усул, бунда чет эл инвесторларини жалб қилиб уларга мамлакатнинг инвесторларини боғлаш орқали маҳаллий инвесторларнинг фаоллигини ошириш ва янги инновацияларни жалб қилиб, уларни ушбу усулга асосланиб бошқариш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки бу усулда чет эл инвесторининг даражаси, тажрибаси ва имкониятини инобатга олган ҳолда унга инновация лойихасидан олинадиган фойда улушкини бошланғич йилларда юқорироқ белгилаш талаб этилади. Кейинчалик шартномада белгиланган тартибда маълум вақтдан сўнг фойда улushi маҳаллий инвесторники билан тенглаштирилади.
- малака ошириш усули, бунда маҳаллий етакчи кадрларни чет эл мамлакатларидаги лойиҳаларга бириттириш, орқали мамлакат келажаги учун зарур инновацион ва интеллектуал инновацияларни бошқариш мумкин.

### **3.2. Самарқанд вилоятида инновацияларни кўпайтиришнинг истиқболли йўналишлари**

Вилоятнинг инвестицион стратегиясини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, у вилоят инновация бозори конюктурасини башоратлашга асосланади ва инновация фаолияти шартларини амалга оширади. Бу жараённи мураккаблиги шундаки, бу даврда худуд инновация стратегияларни шакллантириш, инвестицион ресурсларни излаб топиш, муқобил инновация вариантларини баҳолаш билан бирга амалга оширилади ва у худуд фирмаларининг имиджини оширади ва уни ривожланиши белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай инвестицион стратегия тезда ўзгармайди, у ушбу худуддаги фирмаларнинг иқтисодий ўсишининг янги имкониятлари ва ташқи шартларини инобатга олган ҳолда даврий тартибга солишларни талаб этади. Худудда инвестицион стратегияни шакллантириш шарт-шароитлари корхона ва фирмаларнинг иқтисодий ривожланишининг стратегик асоси бўлиб хизмат қиласди. Бундан кўриниб турибдики, худуд инновация стратегияси фирмаларнинг самарали ривожланишини таъминлайдиган бош омил бўлиб ҳисобланади ва у инновацияларни самарали бошқаришга асосланади. Инновацияларни жалб қилишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, бу фаолиятни амалга ошириш сиёсатига асосланади.

Инновацияларни кўпайтириш йўналишларини ишлаб чиқиша қўйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- инновацияларни тармоқ бўйича аниқ йўналишларини белгилаш;
- инновацияларни жалб эътишда худудлар бўйича аниқ йўналишини белгилаш. Яъни инновациялар тармоқ концентрацияси (марказлашуви) ёки диверсификацияси мақсадлилиги кўриб чиқиласди. Бунда худуд йўналишларини ишлаб ишлаб чиқиша, мамлакат ҳудудлари бўйича хорижий инновацияларни жалб этиш шарт-шароитлар ҳисобга олинади.

Самарқанд вилоятида ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган 63 та хорижий корхона мавжуд бўлиб, асосий хорижий ҳамкор давлатларга Эрон, АҚШ, Туркия, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, БАА мамлакатлари нисобланади.

Вилоятда 2018-2019 йилларга мўжалланган хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қиймати 408 млн. долларлик манзилли дастури режалаштирилди. Шундан, 366 млн.доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция улушкига тўғри келмоқда. 50та лойиҳа бўйича ҳам, 2018 йилда қиймати 295,7 млн.долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга, шундан 25 та (қиймати 188,4 млн долларлик) лойиҳалар бўйича хорижий ҳамкорлар билан дастлабки келишувга эришилди. Қолган 25 та ( қиймати 107,3 млн.долларлик) лойиҳалар бўйича хорижий ҳамкорларни аниқлаш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг 3 таси, АҚШ, Чехия, Россия ва Қозоғистонга 2 тадан, Германия, Озарбайжон, Жанубий Корея, ЖАР, Эрон давлатлари ҳиссасига 1 тадан лойиҳалар тўғри келади.

Инновацияларни кўпайтириш жараёнининг асосий мақсади сифатида қўйидагиларни кўришимиз даркор:

- инвестициён муҳит бўйича қонундаги чора-тадбирларни кўриб чиқиш;
- молия, пул-кредит ва нархнинг шаклланиши сиёсатларини амалга ошириш;
- давлат меёrlари ва стандартларига амал қилишни мунтазам равища назорат қилиб бориш;
- монополияга қарши чора-тадбирлар, давлат мулки обектларини хусусийлаштириш ҳамда инвестицион лойиҳаларни экспертиза қилиш;

Яна шунингдек хорижий инвесторларга яратилган қулайликлар ҳақида такидлашимиз даркор. Божхона кодексининг 297 –бандига кўра устав фондида (устав капиталида) чет эл инновацияларининг улушки камидаган кам бўлмаган тақдирда, 2 йил давомида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёjlари

учун божхона худудига олиб кириладиган, мол-мулкка Божхона божидан озод этилади деб белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, ҳудудларда инновацияларни самарали кўпайтиришда куйидаги асосий вазифаларга тўхталиб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ:

□ самарали инвестицион фаолиятни инобатга олган ҳолда, ҳудуднинг юқори суръатли иқтисодий тараққиётини таъминлаш;

□ ҳудуднинг келажакдаги ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб у учун стратегик инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳаётга тадбиқ этиш, мувофиқлаштириш, режалаштириш, зарур инновацияларни жалб қилиш ва бошқариш;

□ ҳудуд миқёсида бюджет даромадларини ошириш, иқтисодий ўсишга эришиш ва натижада аҳоли фаровонлигини кўтариш;

□ ҳудудда инвестицион фаолият таваккалчилиги борасида ахборот бериш борищдан иборат бўлади. Биз юқорида инновация жараёнларини бошқаришнинг асосий функцияларига тўхталиб ўтиб, ушбу функциялар турли нуқтаи-назардан таҳлил қилиб чиқдик. Ўз навбатида ҳудудлар миқёсида инновацияларни бошқаришнинг функциялари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этадики, ҳар бир ҳудудда инновацияларни самарали бошқарув жараёни ушбу ҳудуднинг иқтисодий ўсишига ижобий таъсир этади. Демак, ҳудудларнинг инвестицион фаолиятини стратегик бошқарувининг муҳим функцияси бу – ҳудуд инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш ва шу орқали ҳудуднинг табиий ихтисослиги бўйича инвестицион оқимни йўналтиришдан иборат.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, асосий ишлаб чиқариш фондларини модернизация қилиш, техник қайта таъмирлаш, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шу орқали мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда Инновацияларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур битирув малакавий ишига Хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда назарий ва услубий асослари тадқиқ қилиниб, бундан қуйидаги асосий хulosаларга келинди.

1. Мамлакатимизни иқтисодий ривождантириш ва модернизациялаш даврида, республикамиздаги мавжуд қонунларни янада такомиллаштириш ва мавжуд қонуний механизmlарнинг фаолиятини қисман эркинлаштириш лозим. Бу орқали инвестор ва тажбиркорларга оддий механизmlарни жорий қилиш орқали меъёрий базани енгиллашувига ва осон тушунишлилигига олиб келган ҳолда янги инвестицион маблаг\_ларни жалб қилиш имкониятларини очиб беради.

1. Инвестицион таснифлашнинг афзаллиги ва унинг бошқа таснифлашлардан фарқи шундаки, унда корхона ўз инновацияларини қандай мақсадлар учун сафарбар этиши тўғрисида реал ҳолат акс эттирилган. Моҳият жиҳатдан, ушбу таснифлаш корхонанинг инновация портфелини характерлайди. Бунда корхона учун ушбу портфел бўйича рискни минималлаштириш ва иқтисодий фойдани ошириш энг муҳим муаммолардан бири саналади..

2. Инвестицион таснифлашнинг афзаллиги фаолиятига хос қонуниятлар тизимини билиш шунинг учун ҳам зарурки, улардан фойдаланишининг самарали механизмини ишлаб чиқиш орқали бу фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ туб иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш мумкин бўлади. Бундай

механизмни шаклланиб боришида асосий йўналишлар сифатида қўйидагиларни киритиш мумкин: юқори савиядаги хизматини ташкил этиш, саноатни афзал йўналишлар бўйича ўсишини давлат томонидан рағбатлантириш ва инновасион жараёнларни, жумладан, кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларига инвестисия улушкини кўпайтириш, солиқقا тортиш тизимидағи сиёsatни юмшатиш, аҳоли маблағларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни рағбатлантириш, товар, молиявий ва ахборот технологиялари бозорларини, ташқи иқтисодий фаолиятни енгиллаштирувчи шарт-шароитлар яратиш ва ҳакозалардир.

- Инвестицион фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиш миқёси жамиятда амал қилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий хусусиятларга боғлик равища олиб борилиши лозим. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги модернизациялаш шароитида инвестицион фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг умумий қонуниятлари қўйидагича белгиланиши лозим: иқтисодий ҳаётда давлатнинг иштироки шундай меъёрда олиб борилиши зарурки, бу ҳолат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар учун самарали инвестицион фаолият олиб боришига ёрдам берсин;
- тадбиркорлик фаолиятини истиқболда ривожлантириш учун инвесторлар учун давлат томонидан енгилликлар ва имтиёзлар белгилаш лозим;
- Айтиш мумкинки, инновацияларнинг тармоқ тузилишини режалаштириш – мамлакат иқтисодиётининг келгуси ҳолатини режалаштириш билан тенглаштирилади ва буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим. Давлат бюджет маблағлари ва бошқа дастаклар ёрдамида инновацияларнинг тармоқ тузилишининг ўзгариш тенденциясига сезиларли даражада таъсир кўрсатиш мумкин.

Инновацияларнинг ўсиш суръатлари кўп омилларга боғлик. Авваламбор инновациялар ҳажми олинган даромадни истеъмол ва

жамғармага тақсимланишига боғлиқ. Аҳолини ўртача даромади паст бўлган ҳолда уларнинг асосий қисми (70-80%) истеъмолга сарфланади. Аҳоли даромадларини ўсиб бориши жамғаришга юбориладиган қисмни ортиб боришига сабаб бўлади.

Умумий даромадда жамғариш улушининг ортиб бориши инновациялар ҳажмини ўсишига олиб келади, ва аксинча. Аммо бу шарт аҳолини давлатга ишончи юқори бўлганда, давлат фуқароларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаганда ва кафолатлаганда бажарилади.

Инновациялар ҳажмига кутилаётган даромад нормаси ҳам таъсир кўрсатади, чунки кўрилаётган фойда инновациялашга ундейди. Кутилаётган фойда нормаси қанчалик юқори бўлса, инновациялаш ҳажми шунчалик юқори бўлади, ва аксинча.

Инновациялар ҳажмига ссуда фоизи ставкаси катта таъсир кўрсатади, чунки инновациялаш жараёнида қарзга олинган маблағларидан ҳам фойдаланилади. Агар кутилаётган соғ фойда нормаси ўртача ссуда фоизи ставкасидан юқори бўлса бу қўйилмалар инвестор учун даромадлидир. Шунинг учун ўртача фоиз ставкасини ўсиши инновациялаш жараёнини сусайишига олиб келади.

Инновациялар ҳажмига кутилаётган инфляция суръатлари ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса инвесторнинг келажакдаги фойдаси шунчалик қадрсизланади ва инновацияларни рағбатлантирувчи омиллар қисқариб боради.

Маълумки, иқтисодчи-олимлар жамғармани инновациялашнинг асоси, деб қарашади. Бу мутлақо тўғри, чунки инновация қилиш учун, энг аввало, пул капитали бўлиши керак. Ресурслар (шу қатори пул маблағлари ҳам) чекланган. Асосий муаммо маблағ топиш масаласидир. Айниқса, инновация узоқ муддатни кўзлаши ва тез натижка бермаслиги билан ажralиб туради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида, 1996 йил 26 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида, 1998 йил 30 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Чет эл инновациялари тўғрисида,,1998 йил 30 апрель,
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Инновация фаолияти тўғрисида, 1998 йил 24 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, 2000 йил 25 май,
7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида, 2001 йил 6 декабрь
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Хусусий корхоналар тўғрисида, 2003 йил 11 декабрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751- сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инновация лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2009 йил 28 июль.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 мартағи ПҚ-1725-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт

жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

12. Ўзбекистон Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2015 йил 24 апрель.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Янги лойиҳаларининг техник-иктисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 332-сон қарори, 2015 йил 19 ноябрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган “Жалб этилаётган чет эл инновациялари ва кредитлари умумий ҳажмларини шакллантириш бўйича услугбий Низом”.
15. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
16. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.
- 17.Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник.- 2-е изд – СПб: Питер 2009.
- 18.Ваҳобов А.В, Ҳожибакиев Ш.Х, Муминов Н.Г. Хорижий инновациялар (ўқув қўлланма). –Т.: Молия, 2010.
19. Korxona iqtisodiyoti. Darslik. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013.
- 20.Шавқиев Э. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (II-қисм). – Самарқанд, 2016.
- 21.Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”//Дарслик. – Т.: 2010.
- 22.Эргашева Ш., Узоқов А. Инновацияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: Молия, 2008

- 23.Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.
24. Гозибеков Д.Ф. Инновацияларни молиялаштириш масалалари.-Т.: Молия, 2003.
- 25.Ўзбекистон рақамларда. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017,
- 26.Йиллик статистик тўплам: 2010-2016. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017.
27. Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 2015-2017 йиллардаги маълумотлари.
28. Интернет сайtlари:
- <http://www.gov.uz>
- [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
- [www.lex.uz](http://www.lex.uz).